**Келишилди**
**Ёшлар ишлари агентлиги директори**
**___________А. Саъдуллаев**

**2024 йил ___январь**

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
**Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари**
**___________А. Қаюмов**

**2024 йил 19 январь**

# Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси тизимидаги ёшларга оид давлат сиёсати амалга ошириш юзасидан чора-тадбир ДАСТУРИ

| № | Чора-тадир номи | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддати | Маъсул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Тизимда ёшлар билан ишлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш, унинг фаолияти самарадорлиги оширишининг устувор йўналишлари** | | | | |
| 1 | Қўмита тизимида фаолият юритаётган лидерли кўникмалари ва хусусиятига эга бўлган ёш ходимларни аниқлаб ёшлар етакчиси вазифасига тайинлаш. | 1. Ходимларни ўзига эргаштира оладиган ёш ходимларни аниқлаб суҳбат асосида саралаб ёшлар етакчисини тайинлаш.<br>2. Ёшлар етакчисининг вазифаларини аниқ белгилаб бериш. | 2024 йил февраль | Қўмитанинг ҳудудий орган раҳбарлари<br><br>Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси |
| 2 | Тизимда фаолият юритаётган ёш ходимларнинг иш фаолияти самарадорлиги ошириш мақсадида ҳар ой тасдиқланган KPI кўрсаткичидан келиб чиқиб ойлик иш ҳақига 15 фоизгача шахсий устама қўшиб бериш чораларини кўриш. | Ҳар ой якунида ёш ходимлар (31 ёшгача) томонидан амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботларни, қўмитада ташкиллаштирилган “Ёшлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича махсус комиссия”сига тақдим этиш.<br>Махсус комиссия Қўмитада фаолият юритаётган ёш ходимларнинг натижадорлиги баҳолайди ва Қўмита | 2024 йил мартдан бошлаб | “Ёшлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича махсус комиссия”<br><br>Қўмитанинг ҳудудий орган раҳбарлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | …бариятига (Раис, Раис ўринбосарига) тақдим этади.<br>Хулосалар натижаси бўйича раҳбарият томонидан ойлик иш ҳақига 15 фоизгача шахсий устама қўшиб бериш бўйича тегишли ташкилий тузилмага топшириқ беради. | | |
| 3 | Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбир дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш.<br>Тизимда фаолият юритаётган ёшлар билан мунтазам учрашувлар ўтказиш ва ёшларга оид қонунчиликлар ва янги қабул қилинаётган лойиҳалар юзасидан фикр алмашиш ва билдирилган таклифларни кўриб чиқиш. | Тизимда фаолият юритаётган ёшлар билан мунтазам тарзда учрашув ўтказиш ва ёшлар томонидан билдирилган таклифларни ҳукумат даражасигача олиб чиқиш чораларини кўриш. | 2024 йил февралдан бошлаб | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Қўмитанинг ҳудудий орган раҳбарлари |
| **II. Ёш ходимларнинг профессионал касб-маҳоратини ошириш, истиқболли ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш ва ривожлантириш** | | | | |
| 1 | Ёшларнинг инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш. | Илғор хорижий тажрибани пухта ўрганиб, Қўмита фаолияти тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар (чора-тадбирлар, “йўл харитаси”) ишлаб чиққан ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш | 2024 йил давомида | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Қўмитанинг ҳудудий орган раҳбарлари |
| 2 | Қўмита тизимидаги ёш ходимларнинг касбий кўникмаларини ошириш, шу жумладан, хорижий тажрибани амалиётда қўлланилишини ўрганиш мақсадида хорижий тренингларда иштирок этиши бўйича амалий чоралар кўриш. | Қўмита ваколати ҳамда функцияларига тааллуқли соҳалар юзасидан халқаро онлайн ва оффлайн тренингларда иштирок этувчилар рўйхатини шакллантиришда Қўмита тизимида фаолият юритаётган иқтидорли ёшларга афзалликлар бериш. | 2024 йил давомида | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Қўмитанинг ҳудудий орган раҳбарлари |
| **III. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда маърифий тарғиботнинг самарали усулларини татбиқ этиш** | | | | |
| 1 | Ёш ходимларни маънавиятини юксалтириш мақсадида **театр**, **кино** ва **музейларга** ташрифларини ташкил этиш. | 1. Ёш ходимлар ўртасида ташриф амалга ошириладиган театр, кино ва музей ҳақида эълон бериш. | 2024 йил давомида | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Театр, кино ва музейларга бориш истагидаги ёш ходимлар рўйхатини шакллантириш;<br>3. Ёш ходимларнинг ўзлари ёки фарзандлари билан марказлашган ҳолда ташрифини ташкил этиш. | | Қўмита касаба уюшмаси раиси<br><br>Қўмитанинг худудий орган раҳбарлари |
| 2 | Қўмита раҳбарияти, ходимлар, шу жумладан, тизимдаги ёшлар ўртасида якдиллик муҳитини яратиш мақсадида “**Team building**” тадбирларини ташкил этиш. | “Team building” тадбирлари режа-жадвалини ишлаб чиқиш, тадбирларида иштирок этувчи ходимлар ўртасида лидерлар таркибини аниқлаш ва тадбирни ўтказиш жойларини белгилаш. | 2024 йил давомида | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази» ДУК,<br><br>Қўмита касаба уюшмаси раиси |
| 3 | Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш бўйича ҳар йили июнь ойида “Ёшлар ойлиги”доирасида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик” шиори остида тадбирлар уюштириш | Қўмита ва унинг худудий бошқармалари томонидан мунтазам равишда ёшлар ўртасида спорт мусобақалари, шу жумладан шахмат ва шашка бўйича мусобақалар ташкиллаштириш. | 2024 йил давомида | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги,<br><br>Қўмита касаба уюшмаси раиси |
| **IV. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш** | | | | |
| 1 | Ёшларга мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан иқтисодиёт, соғлом рақобат ва бошқа тегишли соҳалар тўғрисидаги маърифий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш. | Маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб қилган ҳолда мактаб (колледж, лицей), олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг маърифий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ҳудудларда назарий- амалий ўқув-семинарлар ташкил этиш | 2024 йил давомида | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Раиснинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Нодавлат нотижорат ташкилотлар,<br><br>Халқ таълими вазирлиги |
| **V. Иқтидорли ёш ходимларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шахсий ривожланишига қшмаклашиш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш** | | | | |
| 1 | Қўмита тизимидаги ёш ходимларнинг хорижий тил ҳамда касбий кўникмаларини ошириш. | Қўмита тизимидаги ёш ходимларнинг хорижий тил кўникмаларини ошириш юзасидан укув-курслари ташкил этиш. | 2024 йил давомида | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Раиснинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси,<br><br>Нодавлат нотижорат ташкилотлар |
| 2 | Ёшлар муаммоларини жойларда бартараф этиш, уларнинг ташаббуслари билан яқиндан танишиш бўйича учрашувлар ўтказиш. | Қўмита ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилигида “Раҳбар ва ёшлар” учрашувларини ўтказиш график-режасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | 2024 йил февраль-март | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Қўмитанинг ҳудудий орган раҳбарлари |
| **VI. Қўмита тизимида масъул рахбарларга бириктирилган алоҳида эътиборга муҳтож “оғир тоифадаги ёшлар”билан индивидуал ишлаш тизимини мувофиқлаштириш** | | | | |
| 1 | Қўмитага бириктирилган алоҳида эътиборга муҳтож “оғир тоифадаги ёшлар” билан индивидуал ишлаш тизимини жори этиш. | Қўмитага бириктирилган алоҳида эътиборга муҳтож “оғир тоифадаги ёшлар” билан ўтган 2023 йил тажрибасидан келиб чиқиб тизимли ишларни амалга ошириш. | “оғир тоифадаги ёшлар”ни бириктирилганда | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Қўмитанинг ҳудудий орган раҳбарлари |
| **VII. Қўмита тизимида ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирни ишлаб чиқиш** | | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Қўмита тизимида мавжуд ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг ижтимоий турмуш тарзини ўрганиш, ёрдамга мухтож ёшлар билан бирма-бир мулоқот ўтказиш ва “Раҳбар ва ёшлар” учрашувларини ташкил этиш. | **1.** Қўмита раҳбарияти билан келишилган ҳолда учрашув режа-графикларини ишлаб чиқиш.<br>2. Қўмитада ҳафтанинг бир кунини раҳбарият томонидан ёшларни қабул қилиш куни этиб белгилаш. | Режа асосида | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Қўмитанинг ҳудудий орган раҳбарлари |
| **VIII. Ёш ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш, жумладан, ёшлар инфратузилмасини ривожлантириш** | | | | |
| 1 | Қўмита тизимида ёш мутахассис ишга қабул қилиниб синов муддати вақтида унинг ойлик маошини алоҳида нисбатан енгилроқ кўрсаткичлар билан баҳолаш ва муносиб ойлик иш ҳақини белгилаш чораларини кўриш. | Қўмитанинг ички низомларига ёш мутахассисларга бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида ўзгартиришлар киритиш. | 2024 йил апрель | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Ёшлар ишлари агентлиги |
| 2 | Қўмита тизимидаги ёшлар учун мунтазам спорт мусобақалари уюштириш орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш. | Қўмитада спорт билан шуғулланиш учун шароитлар яратиш, спортга қизиқиш билдирган ёш ходимларни қўллаб қувватлаш мақсадида шартнома асосида спорт заллар тўловларини 30 фоиз қисмини қоплаб бериш чораларини кўриш. | Доимий | Қўмита раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси<br><br>Қўмита касаба уюшмаси раиси<br><br>Нодавлат нотижорат ташкилотлар |

(қўмита ёшлар етакчиси)